



Шаҳодат ЗИЯЕВА
ўқитувчи
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети
ch.ziyo71@mail.ru

ФРАНЦУЗ ТИЛИ ТАЛАФФУЗИГА ЎРГАТИШДА УЧРАЙДИГАН АЙРИМ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ХУСУСИДА

Мақолада француз тили талаффузига ўргатишда учрайдиган айрим қийинчиликлар хусусида сўз юритилган. Қийинчиликлар ва уларнинг сабабларини билиш ҳам тил ўргатишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги бир неча мисоллар асосида билан ёритиб берилган. Французча талаффузни тўғри ўрганишда қандай омилларга эътибор қаратиш кераклиги уқтириб ўтилган.

В статье речь идёт о трудностях произношения во французском языке. Трудности и их причины раскрыты на разных примерах. Разъясняется, на какие критерии можно обратить внимание при правильном обучении французскому произношению.

This article is about some difficulties of pronunciation in French language. Difficulties and their knowledges of the cause of the role are disclosed using different examples. It is explained which criterie we can look in the right training of the French pronunciation.

Калит сўзлар: талаффуз, норма, редукция, интерференция, ритмик урғу, вокализм.

Ключевые слова: произношение, нормы, редукция, интерференция, ритмическое ударение, вокализм.

Key words: pronunciation, norms, reduction, interference, rhythmic accent, vocalism.

Сўз маъноларини ажратиш ва чегаралаш учун хизмат қиладиган воситалар фонетик воситалардир. Бунга нутқ товушлари, урғу, оҳанг кабилар киради. Нутқ товушлари катта аҳамиятга эгадир, чунки ҳар қандай сўз нутқ товушлари воситасида шаклланади. Чет тилини ўрганишда талаба, аввало, ўз тилининг грамматик қурилиши, ўзига хос товуш тизимини қиёсий ўрганса, ўз-ўзидан фанни мукамал ўрганиш учун замин яратган бўлади. Уни она тили билан қиёсий-типологик ўрганиш мақсадга мувофиқдир, дарҳақиқат, ҳар қандай чет тили она тили асосида ўзлаштирилади.

Француз тилини ўқитишда шу тилнинг орфоэпик нормаларини билиш катта аҳамиятга эга, чунки бу тилнинг талаффуз меъёрларини билмасдан, сўзларни адабий норма даражасида талаффуз қилиш ва зарур ўқув материалларидан тўғри фойдаланиш мумкин эмас. Чет тилида талаб даражасида сўзлашиш учун талаффузни яхши эгаллаш нутқ фаолиятини пухта ўзлаштиришга замин бўлади. Шу сабабли талабаларда меъерий талаффузни шакллантириш муҳимдир. Одатда зиёли кишиларнинг, радио ва телевидение суҳандонлари ва театр актёрларининг талаффузи адабий тил талаффузи ҳисобланади. Нотиқлик нутқи тингловчининг диққатини ўзига жалб қила олиши, тушунарли бўлиши лозим. Шунга кўра нотиқлик нутқи адабий талаффузнинг барча нормаларига тўлиқ бўйсунди. Адабий талаффуз ҳақида фикр юритган тилшунос олимлар буни тўлиқ услуб(3, 125), деб ҳисоблайдилар. Албатта бунда ҳамма товуш ва сўзлар тўлиқ ва аниқ талаффуз қилинади. Уларнинг фикрича, нотакаллуф нутқда эса сўз, гап ва жумлалар қисқа талаффуз қилинади. Буни улар қисқа услуб деб атайдилар. Лингвистлар талаффуздаги бундай ўзгаришларни қисман тилнинг товуш системасига ҳам таъсир қилиши мумкин деб башорат қилишади. Шунинг учун ҳам улар имкон қадар тўлиқ (адабий) талаффузнинг сақлаб қолинишига ҳаракат қилиш лозимлигини, акс ҳолда, эса сўзларни тушунишда муайян қийинчиликлар содир бўлиши мумкинлигини уқтиришади.

Ўтган асрнинг ярмигача Францияда адабий талаффуз модели деб Париж (Иль де Франс) талаффузи ҳисобланган бўлса (Passy, Fouché, Strak(1, 6), ҳозирги замон Париж талаффузида айрим сабабларга кўра муайян ўзгаришлар ҳам содир бўлаётганлиги кўзга ташланади. Биринчидан, оддий сўзлашув ва ҳудудий шевалардан кириб келаётган талаффуз таъсири бўлса, иккинчидан, халқаро алоқалар ва тиллар муносабатлари мазкур тил ва унинг талаффузига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Масалан, француз тилида инглиз талаффузини сақлаб қолган сўзлар кўпаймоқда:

*bingo [bingou] – bravo, candy [kendi] – bonbon,
busybody [bizibodi] -- très occupé*

Француз тилида товуш, товуш бирликлари, сўзлар, гапларни меъерий талаффуз қилиш французча нутқни тинглаб, ўқиб тушунишга, гапиришга ва албатта ёзма нутққа ўз таъсирини кўрсатади. Ваҳоланки, нотўғри талаффуз қилиниб сўнгра ёзилган сўзларда бир қатор хатоликлар учраши табиий. Шу ўринда Б. Малмберннинг қуйидаги сўзини айтиб ўтиш жоиздир: “*Celui qui veut apprendre à bien prononcer une langue étrangère, devra acquérir une nouvelle base articulatoire*”. Талаффуз нормаларини эгаллаш нутқ

органларини янги ҳаракатларни бажаришга одатлантириш, яъни талаффуз кўникмаларини шакллантириш демакдир.

Дарҳақиқат, француз ва ўзбек тиллари фонетикаси бир-биридан тубдан фарқ қилади, бу эса мазкур тилларнинг фонетик тизими таққосланганда яққол кўзга ташланади. Француз тили унли товушларга бой ва улар аниқ, равон талаффуз қилинади, бироқ дифтонглашмайди, редукцияга учрамайди. Редукция ўзбек тилига хос бўлган ходисадир:

Тилак -- тлак

Француз тилидаги [ə] “caduc” бундан истисно. У нутқ жараёнида нутқ услубига кўра талаффуз қилиниши ёки талаффуздан тушиб қолиши мумкин(4, 10):

*Oh, bonne Franc(e) invincibl(e),
Chante ta chanson paisibl(e),
Chant(e) et regarde le ciel.
Ta voix, joyeus(e) et profond(e),
Et l'esperance du mond(e).*

(Oh, bonne France! par V.Hugo)

Сўзлашув нутқи услуби адабий тилда сўзлашувчи шахсларнинг эркин нутқи ҳисобланиб, у бетакаллуф нутқдан таркиб топади ва унда тил нормаси нуқтаи назаридан йўл қўйиб бўлмайдиган хатолар учраши табиий.

Қуйида нотакаллуф нутқнинг айрим фонетик ва грамматик хусусиятлари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз:

1. Сўзлашув нутқида e нинг тушиб қолиши ва охириги ундошнинг талаффуз қилинмаслиги ҳоллари кузатилади:

ouvre ['u: v], sable ['sab], quatre ['kat]

2.Товушларнинг тушиб қолиши бошқа ҳолатларда ҳам учраши мумкин, бу эса ўз навбатида сўзларнинг қисман қисқаришига олиб келади:

puis ['pi], il y a [i 'ja] – ['ja]

3. Ёрдамчи «avoir» ва «être» феъллари талаффузининг қисман ўзгариб боришини кузатиш мумкин:

Tu as été serveuse [tyeteser'vø:z].

4. Инкор сўзларнинг биринчи қисмидаги ne тушиб қолади :

Il ne veut pas le faire [ilvøpal'fɛ:r].

5. [l,r] ундош товушларининг ўқилмай қолиши кузатилади:

sur le dos [syl'do]

6. [lj] товушлар гуруҳининг талаффузи ҳам бирмунча оддийлашади :

million [mi'jõ], milliard [mi'ja:r]

Сўзлашув нутқида содир бўлаётган фонетик ҳодисалар, яъни товушларнинг тушиб қолиши, айрим товушларнинг ўзгариши, ҳаттоки бутунлай ўқилмай, талаффуз қилинмай қолиши, тилшунослик назариясида, хусусан француз тилида мавжуд тил воситаларини тежаш тамойилига асосланади, деган хулоса қилиш мумкин.

Француз тилида ўзбек тилида йўқ бўлган, яъни “ўхшамайдиган” унлиларнинг (*y, œ, ð, ...*) мавжудлиги фонетик интерференцияни келтириб чиқаради. Француз тили материални ўрганаётганда ўзбек тилининг хусусиятлари унга таъсир қилади.

Француз тили товушларини талаффуз қилиш жараёнида ўзбек шева талаффузини киритмаслик зарур, акс ҳолда товушнинг номувофик талаффуз қилиниши сўзнинг лексик маъносини ҳам ўзгартириб юборади. Бунинг қуйидаги мисолларда яққол кўриш мумкин: *[ɛ, e]* ўрнига *[i]* талаффуз қилиш натижасида *lèvre* (лаб) сўзи *['li:vʁ]* (китоб), *les* (аниқ артикл, кўплик формада) сўзи *['li]* (каравот), деб тушунилади.

Қуйидаги сўзларда биргина товушнинг нотўғри талаффуз қилиниши натижасида сўзларнинг маъноси ўзгариб кетади:

sel (муз) – *seul* (ёлғиз), *père* (ота) – *peur* (қўрқув),
des cheveux (сочлар) – *des chevaux* (отлар),
humeur (кайфият) – *humour* (ҳазил)

Бунинг олдини олиш учун фақат бир товуш билан фарқланувчи сўзларни ўзаро таққослаш, товушнинг фарқини кўрсатувчи сўзни ифодаладиган расм, предмет ёки ҳаракатни кўрсатиш мумкин.

Француз тили талаффузини ўргатишда оппозицион қийинчиликлар туғдирадиган товушлар ҳам мавжуд бўлиб, сўзларнинг нотўғри талаффуз қилиниши натижасида, уларнинг маъноси ўзгариб кетади. (3, 13)

[ɛ-e, o-ɔ, u-y]

Lait *['lɛ]* – *les* *['le]*
Sol *['sɔl]* – *saule* *['so:l]*
Les poules *[le'pɥl]* – *les pulles* *[le'pyl]*

Шунингдек, француз тили фонетик тизимининг ўзига хос бўлган қуйидаги хусусиятини ҳам айтиб ўтиш жоиз, деб ҳисоблаймиз:

- Бир унли ҳарфнинг бир ёки ундан ортиқ товуш билан ифодаланиши ёки бир товушнинг бир ёки ундан ортиқ ҳарф бирикмалари билан келиши:

O	{	<i>[o]</i>	→	<i>rose</i>		<i>è</i>	}	<i>[ɛ]</i>	<i>mère</i>
						<i>ai</i>		<i>claire</i>	
		<i>[ɔ]</i>	→	<i>robe</i>		<i>ei</i>		<i>neige</i>	

- Талаффуз пайтида талабаларда учрайдиган хатолардан яна бири, улар [w] товушини [v] деб талаффуз қиладилар: *noir* [‘nwa:r] ўрнига [‘nva:r]
- Талаба тўғри талаффуз қилиши учун урғу, ритм, оҳангни ҳам яхши билиши керак, чунки улар мазмунга таъсир кўрсатади(3, 74). Натижада турли мазмун, маъно келиб чиқади. Масалан:

Il est parti. / Il est parti?

Ça va, Lise? / sa valise.

Ритмик гуруҳнинг сўнги бўғинига тушувчи ритмик урғу эса сўзнинг биринчи ёки иккинчи бўғинига тушувчи мантиқий ва ҳис – ҳаяжон урғуларига ўз ўрнини бўшатиб бериш ҳоллари кузатилмоқда:

On peut en être cer'tain. ўрнига On peut 'en être certain.

Мажбурий боғланишлар камайиб, факультатив боғланишлар йўқолиб борапти. Вокализм соҳасида гармонизация ҳодисаси содир бўлаётган бўлса, консонантизм соҳасида “қиска” *e* нинг тушиб қолиши натижасида ассимиляция ҳодисаси кўпайиб борапти:

bête ['bɛ: t] – *bêtise* [be 'ti :z], *le film projeté* [ləfilmproʃ'te]

Ce soir? A non! Pas c(e) soir. Ça m(e) convient, ça m(e) va.

Француз тилида унлиларнинг чўзиқ талаффуз қилиниши натижасида сўзнинг маъноси ҳам ўзгаришини ёддан чиқармаслик керак. Яъни унлиларнинг чўзиқлиги маъно ўзгартирувчи сифатга эгадир. Очик чўзиқ [ɛ:] очик қиска [ɛ]дан фаркланади :

Maitre [mɛ:tr] (ўқитувчи, ...) – *mettre* [mɛtr] (қўймоқ, ...)

Француз тилига ўқитиш жараёнида юқорида қайд этилган хусусиятлар бир қатор қийинчиликларга сабаб бўлиб, улар интерференция муаммоларини келтириб чиқаришини ҳисобга олган ҳолда, талабаларга французча талаффузни ўргатишда қуйидагиларга эътибор қаратилиши ўринли, деб ҳисоблаймиз:

- Фонетик материални кўпроқ қайтариш (Талаба фонетикани пухта эгалламоғи унинг қоидаларига риоя қилмоғи керак);
- Тақлид қилдириш машқларини қўллаш. (Биргаликда жўр бўлиб талаффуз қилиш, якка талаффуз қилиш);
- Сўзларни фарқлаб қўллаш;
- Интерференция ҳолатларининг олдини олувчи бир қатор фонетик амалий машқлар бажариш;
- Техник воситалардан кенг фойдаланиш ва ҳ.к.

Француз тили талаффузи бўйича кузатишлар асосида қуйидагича хулосаларни олиш мумкин. Биринчи навбатда француз тилида мавжуд фонетик қийинчиликлар, уларнинг келиб чиқиш сабабларини тил ўрганувчилар билиб олишлари зарур, чунки, тилни мукамал ўрганишда бунинг аҳамияти жуда муҳимдир. Тил ўрганиш жараёнида француз тили фонетик хусусиятларини ва талаффуз меъёрларини билиш ҳамда улардан тўғри фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш зарур шартлардан биридир. Талабалар мавжуд талаффуз қоидалари ва меъёрларини пухта эгаллаб олган тақдирдагина улар нутқи талаб даражасида шаклланади ва ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гордина М.В., Фонетика французского языка. – Л.: ЛГУ, 1973. – 208 с.
2. Катагощина Н. О современном французском произношении. – М.: Просвещение, 1974. – 112 с.
3. Ҳошимов Ў., Ёқубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. – Т.: Шарқ, 2003. – 304 б.
4. Grammont M. Petit traité de versification français. – P., 1961. – 170 p.
5. Léon M. Exercices systématiques de prononciation française. – P.: Hemmerlé, 1975. – 118 p.
6. Pierret G-M. Phonétique historique du français et notions de phonétique générale. – P.: Peeters Publichers, 1994. – 247 p.